



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Илхом Ачилович Усманов Қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солишнинг жаҳон тажрибасини қўллаш	76
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Мухим стратегик вазифаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни	80
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида инновацияларни жорий этиш ҳолати ва истиқболлари	85
Насиба Раҳматуллаевна Эргашева Аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Зарина Улугбековна Ташкенбаева Важность создания положительного имиджа туристических организаций на рынке	96
Бехзод Бахтиёр ўғли Бекназаров Маданий мерос объектларига ташриф буюрувчилар ҳолати ва таҳлили	100
Adxam Anvarovich Karshiyev Turizm sohasini strategik rivojlantirishning ahamiyati	106
Zokirjon Erkinovich Mamarasulov, Izzatillo Xikmatilloevich Shukurov Turistlar marshrutlari uchun ovqatlanish ratsionini takomillashtirish	110
Бекназар Абдуҳалилович Султонов Самарқанд вилоятида гастрономик туристлар хулқ-атвори таҳлили	115
Азиз Қаҳрамонович Тўхтамишов Туризм соҳасида кластерлар ривожланишининг омиллари ва йўналишлари	119
Хонкул Қаҳхарович Самаров Миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш истиқболлари	124
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Gulnora Mardiyevna Shadiyeva The concept of "family economy", its development	129
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова “Sam antep gilam” МЧЖида маркетингни бошқариш элементларини янада ривожлантириш йўллари	134
Абдуҳолик Эгамович Тангиров Бизнес-моделларини ишлаб чиқиш	140
Наврўзжон Тўхтамишович Махкамов Корхоналарни барқарор ривожлантиришда сифат менежменти тизимининг роли	145

- бозор улушининг ўсишига, потенциал харидорлар доирасини кенгайтиришга, бозорнинг янги сегментларини эгаллашга, корхоналарнинг бозордаги мавқеини барқарорлаштиришга ва мустаҳкамлашга олиб келади;
- ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига сабаб бўлади.

Ф. Сафаров	F. Safarov
Состояние и перспективы внедрения инноваций на предприятиях сферы услуг	State and prospects of introduction of innovations in the enterprises of the service sector
<p>Аннотация. В статье рассматривается роль и значение инноваций в развитии сферы услуг. В ней рассмотрено состояние внедрения инноваций на предприятиях нашей страны по их видам. Также упоминаются инновации, характерные для сферы услуг. По результатам исследования даются соответствующие выводы и предложения.</p> <p>Ключевые слова: инновации, услуги, продуктовые инновации, процессные инновации, НИОКР, информационные технологии.</p>	<p>Abstract. The article deals with the role and importance of innovations in the development of the service sector. It considers the state of introduction of innovations at the enterprises of our country by their types. Innovations specific to the service sector are also mentioned. According to the results of the study, relevant conclusions and suggestions are given.</p> <p>Keywords: innovation, services, product innovation, process innovation, R&D, information technology.</p>

Насиба Рахматуллаевна Эргашева – ҚарМИИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ўқитувчиси

АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

<p>Аннотация. Ушбу мақолада аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти уни янада ривожлантириш, шунингдек, аутсорсинг корхона ва ташкилотларининг тегишли фаолиятини замонавий рақамли технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш ва мамлакат бозорига тарғиб қилиш йўллари очиб берилган.</p> <p>Калит сўзлар. Аутсорсинг, хизматлар, рақамли технология, ҳисоб-китоб, аутсорсинг бозори, аутсорсинг сифати, молиявий ҳисобот.</p>
--

Кириш. Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи субъектларнинг стратегик мақсади рақобатдош устунликларни таъминлаш ва рақобатбардошликни оширишдан иборат. Уни амалга ошириш бошқарув технологияларини такомиллаштиришни назарда тутади. Бундай воситалардан бири жаҳон амалиётида иқтисодий муваффақиятларнинг муҳим омилига айланиб бораётган замонавий хизмат тури сифатида аутсорсингдир. Бу шуни кўрсатадики, бундай хизматлар истеъмолчилари учун маълум имтиёзлар мавжуд.

Жаҳон иқтисодий маконига интеграциялашув ва иқтисодиётнинг очиклиги мамлакатимизда ҳам хизмат кўрсатиш бозори сегментларидан бирини эгаллаш учун аутсорсингнинг шартларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистонда аутсорсинг хизматларининг юқори даражада ривожланмаганлигининг муҳим муаммоси маҳаллий амалиётга нисбатан аутсорсинг хизматларини амалга оширишнинг батафсил механизми, шу жумладан шартномани бажаришнинг барча босқичларида аутсорсингга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва шериклик муносабатларини тартибга солишнинг аниқ иқтисодий усуллари йўқлиги.

Ушбу муаммонинг долзарблиги ҳозирги вақтда аутсорсинг хизматларининг назарий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун бизнесга йўналтирилган тузилмаларни яратиш зарурати контекстида аутсорсинг хизматларидан фойдаланишнинг келишилган механизмига тўғридан тўғри тарзда киритилган амалий услубий ишланмаларнинг йўқлигидадир.

Ҳозирги вақтдаги ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, аутсорсинг хизматларининг иқтисо-

дий моҳиятини очиб бериш ва шакллантиришнинг услубий, ташкилий-техникавий ва ташкил этишга оид жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Аутсорсинг хизматлари муаммосининг ривожланиш даражаси ва уларни амалиётга жорий этишга бағишланган ишланмалар таҳлили, шунингдек, аутсорсинг хизматлари муаммосини ўрганиш хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан тақдим этилган: Гильмиярова М.Р.[1], Федорова Е.А., Ермолов А.В.[2], Корнейчик М., Лясуская Н. [3], Васильев А.С., Миргородская Т.В. [4], Еськова Л.Ф., Дрозд А.М., Маневич А.В. [5], Пардаев М. Қ [6], Уразов Б.К. [7] ва бошқалар. Ушбу тадқиқот йўналишининг ўзига хос хусусияти шундаки, мавжуд хорижий ва маҳаллий илмий ишларнинг аксарияти фақат аутсорсинг хизматлари бозорининг айрим сегментларига қаратилган. Бу асосан аутсорсингнинг маълум бир туридан фойдаланиш ва у билан боғлиқ муаммоларга тегишли. Аутсорсинг соҳасида олиб борилаётган назарий тадқиқотлар ва Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари томонидан тўпланган жуда кам амалий тажрибага қарамай, аутсорсинг хизматлари бозори аста-секин ривожланмоқда. Ушбу масала бўйича илмий ишларнинг жуда кам мавжудлиги аутсорсинг хизматлари бозорининг шаклланиши ва фаолиятини ишлаб чиқадиган чуқур ва тизимли тадқиқотлар олиб беришни тақозо этмоқда.

Тадқиқот методологияси. Аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳиятининг ташкилий-услубий таъминотининг ўзига хос бўлган асосий хусусиятларини асослаб бериш, аутсорсинг хизматларини ташкил этиш ва амалиётга қўллашнинг услубий таъминотини яхшилашга қаратилган масалалар билан изоҳланади. Тадқиқот давомида монографик кузатув, тизимли ёндашув, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Янги Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларга аутсорсинг хизмати кўрсатиш ҳажми ва сифатини ошириш, аутсорсинг инфратузилмасини ривожлантириш, бухгалтерия ҳисобида электрон ва рақамли платформаларни жорий этиш натижасида аутсорсинг хизматларининг рақобатбардошлиги ва иқтисодий самарадорлиги ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар бир неча фаолият турлари билан шуғулланиб келмоқда, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида малакали бухгалтер ёллаш, уларни ойлик маош, иш жойи, дастурий таъминот ва ҳ.к.лар билан таъминлаш катта харажатларни келтириб чиқармоқда. Баъзи ҳолларда, штатдаги бухгалтер айрим сабабларга кўра ишдан кетаётган бўлса, бухгалтериянинг ҳисоб-китобини кимга ишониб топшириш мумкин бўлади?

Бундай мураккаб ҳолатда аутсорсинг хизматидан фойдаланиш яхши натижа беради. "Аутсорсинг" сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, шартнома асосида ташқи манбалардан ёки ресурслардан, корхона ва ташкилот фаолияти хизмат кўрсатиш функциясининг бир қисмини бошқа бажарувчи корхона ёки компанияга бериш, яъни аутсорсинг хизматини кўрсатувчи корхона ва компаниялар хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Аутсорсинг - бу харажатларни минималлаштириш, сифатни таъминлаш (яхшилаш) ва белгиланган муддатларга риоя қилиш мақсадида юқори ихтисослашган компаниялар ёки алоҳида мутахассисларни жалб қилиш орқали миқдорнинг асосий бўлмаган функцияларини бажаришни ўз ичига олган хизмат туридир.

Корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобида ҳар қандай пухта ўйланмаган ҳаракат, ҳатто кичик хато ва камчиликлар ҳам ишга малакасиз ёндашув, ҳисоб-китоблар ноаниқлиги ва ҳатто катта жарималарга олиб келиши мумкин. Шунинг учун юқори малакали ва ўз соҳасининг устаси бўлган тажрибали бухгалтерларга талаб кун сайин ошиб бормоқда. Корхона ва ташкилотларнинг бюджетга тўланадиган солиқларни ҳисоблашда аутсорсинг хизматидан самарали фойдаланиш аҳамияти юқоридир.

Йирик корхона ва ташкилотлар штатида юқоридаги талабларга жавоб берадиган, ўз навбатида, юқори маош талаб қиладиган бухгалтерлар ёллаш имкони бор. Бироқ янги ташкил топган, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган

корхоналар бундай катта харажатларга тайёр эмас. Шу сабабли айрим корхоналар раҳбарлари ёлланма бухгалтерлар ҳеч қандай ҳужжатсиз, оғзаки келишув асосида хизмат кўрсатишни хоҳлайдилар, аммо бундай ҳолатда кўплаб муаммолар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам аутсорсинг бухгалтерия эса масофадан туриб малакали соҳа мутахассислари томонидан олиб бориладиган бухгалтериядир. Аутсорсинг бухгалтерия ёлланма бухгалтериядан фарқли равишда, бухгалтерияни қисман ёки вақтинчалик топшириш эмас, узоқ муддатга шартнома асосида ҳамкорлик қилишни кўзда тутлади. Аутсорсинг бухгалтерия хизматини кўрсатувчилар аутсорсерлар ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда штатдаги ходимларни таъминлашдан кўра аутсорсинг хизматларидан ва айниқса, аутсорсинг бухгалтерия хизматларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Беларусда - 30%, Европада - 86%, АҚШда - 92%, энг юқори кўрсаткич эса - Исроилда бўлиб, 96% ни ташкил этади.

Йирик корхона ва ташкилотлар аутсорсинг бухгалтерия хизматларидан фойдаланишга бугунлай ўтишлари у қадар самарали эмас, чунки бундай ҳолатда масофадан туриб иш олиб борилгани сабабли ҳисобни олиб боришда оперативлик пасайиш эҳтимоли ва харажатларнинг ошиб кетишига олиб келади. Бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун бухгалтерия ҳисобини бугунлай эмас, қисман, масалан, ойлик маош ҳисоб-китоблари, ҳисоботлар топшириш, ва ҳ.к.ларни аутсорсерларга топшириш мақсадга мувофиқдир.

Шуни қайд этиш лозимки, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган корхоналар учун аутсорсинг бухгалтерия хизматлари ҳисобини юритишнинг энг оптимал усули ҳисобланади. Бундай ҳолатда корхона юқори малакали, масъулиятли, фақатгина бухгалтерия соҳасида эмас, балки кадрлар бўйича, юридик ҳамда солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар олиш имкони яратилади.

Тадқиқотлар натижасида, аутсорсинг хизматларининг бир қанча бухгалтерия ҳисоби учун афзалликлари мавжуд:

- аутсорсинг бухгалтерия хизматини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тадбиркорларга бир қатор қулайликлар яратади;
- аутсорсинг хизматида топширилган вазифалар юқори сифатли, оператив ва кам харажат талаб этади, чунки тадбиркорлар аутсорсинг хизматлари уларнинг штатида бўлмагани сабабли уларга ойлик маошдан келиб чиқадиган солиқлар, офис жиҳозлари, моддий-техник таъминот, ижара, алоқа ва интернет каби харажатлардан озод бўлишади. Бу харажатларни оптималлаштириш орқали молиявий натижаларни 20-30%га яхшилаш имконини беради;
- аутсорсинг бухгалтерия ҳисоби хизматларидан фойдаланганда махфий маълумотларнинг ошкор бўлиши олди олинади;
- аутсорсинг хизматидан фойдаланиш орқали бир эмас, бир неча юқори малакали бухгалтерия ҳисоби мутахассис гуруҳига эга бўлиш мумкин;
- бухгалтерия ҳисобини юритишдаги хато ва камчиликлардан, ортиқча овозагарчиликлардан озод қилади;
- аутсорсинг бухгалтерия ва солиқ ҳисобини юритишдан ташқари бошқа қўшимча хизматларни, масалан, кадрлар бўйича ва юридик хизматларни ҳам таклиф этади. Таъкидлаш жоизки, штатдаги бухгалтерлар ҳар доим ҳам бундай қўшимча масалаларни ҳал этишни ўз зиммаларига олавериб қолмайди, қўшимча мутахассисларни ёллаш эса корхона харажатларини оширади;
- аутсорсинг корхона ва компанияларга бухгалтерия ҳисобини исталган босқичда топшириш имконияти мавжуд. Агар корхона бухгалтерия ҳисоби хато ва камчиликлар билан махсус дастурлардан фойдаланилмай юритилган бўлса, аутсорсинг бухгалтерия ҳисоби корхоналари бундай талабга жавоб бермайдиган бухгалтерия ҳисобини қайта тиклаш орқали тўғри ва аниқ ҳолатга олиб келади.

Аутсорсинг хизматлари бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни ва улар билан боғлиқ хавфларни яхшироқ тушуниш учун уларни таснифлаш зарур. Уларни гуруҳлашнинг мавжуд йўналишларига ("тармоқлар"; "камров даражаси"; "вақт омили билан боғлиқлик"), "географик" (бир минтақа доирасида, минтақалар ўртасида,

халқаро) ва "бошқарув турлари" (стратегик, тактик, оператив) олиб боришни тақозо этади.

Ушбу гуруҳлашнинг тавсия этилган белгиларидан биринчиси ҳудудлар бўйлаб иқтисодий ва бизнес алоқаларини ривожлантириш зарурати билан боғлиқ. Иккинчиси, мижоз томонидан маълум бир аутсорсинг хизмат туридан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин бўлган бошқарув вазифаларининг муайян соҳаси билан боғлиқ. Хорижий ва маҳаллий компаниялар томонидан аутсорсингдан фойдаланиш тажрибасини таҳлил қилиш асосида бозорда аниқ хизматларни етказиб берувчилар сифатида аутсорсингларга қўйиладиган қуйидаги талабларни шакллантириш лозим:

- бизнеснинг юқори динамикасини тушуниш;
- мижознинг бизнес жараёнларини аниқ идрок этиш;
- услубий базасининг мавжудлиги;
- касбий билимларни бирлаштириш ва узатиш;
- самарали мулоқот муҳитини яратиш;
- масъулиятни жамлаш;
- шартномани амалга ошириш жараёнини ҳужжатлаштириш.

Шунингдек, микро ва макро даражада аутсорсинг хизматларидан оқилона фойдаланиш шартлари мавжуд. Ҳал қилувчи омил микро даражадаги (ички муҳит) шартларга мувофиқлиги бўлиши шарт, хусусан:

- муайян талаб қилинадиган хизматни бажариш учун танлов тартиб-қоидаларини (тендерларни) ўтказиш;
- компания бошқарув органларининг ўтказилган ва улар билан боғлиқ технологик жараёнлар ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларига мувофиқлиги;
- иккинчи даражали функцияларни бажариш учун компания харажатларини оптималлаштириш;
- технологик ва экологик хавфсизлик стандартларига риоя қилиш;
- компаниянинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;
- аутсорсерларнинг ишларни (хизматларни) бажариш сифати, ҳажми ва вақти учун моддий жавобгарлиги;
- аутсорсинг компаниясининг юқори малакали мутахассисларининг мавжудлиги;
- тақдим этилаётган хизматларнинг ишончлилиги ва юқори сифати кафолати;
- мижозларнинг манфаатлари ва манфаатларини максимал даражада ҳисобга олиш ва ҳ.к.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин, яъни иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш учун келажакда аутсорсинг кластерларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, унинг моҳияти корхоналар ва ташкилотлар учун "уй" аутсорсинг марказларини яратишдан иборат бўлиб, у нафақат бир гуруҳ корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини юритади ҳамда мулкдорларнинг манфаатларини, шунингдек уларни молиявий, шу жумладан консолидацияланган ҳисоботларни тузиш имкониятига эга бўлади.

Аутсорсинг хизматларини янада ривожлантириш, шунингдек, аутсорсинг корхона ва ташкилотларининг тегишли фаолияти кўп жиҳатдан замонавий рақамли технологияларни ишлаб чиқиш ва мамлакат бозорига тарғиб қилиш даражасига боғлиқ. Корхона ва ташкилотлар фаолияти натижалари бўйича долзарб маълумотларга эга бўлиш зарурати шароитида мижозга исталган жойда ва исталган вақтда керакли маълумотларни олиш имконини берувчи булутли бухгалтерия ҳисоби ёрдамида аутсорсингни такомиллаштириш йўналишида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир, жумладан:

- корхона ва ташкилотлар фаолияти натижалари бўйича булутли бухгалтерия ҳисоби бу фақат вақт масаласи, шубҳасиз, яқин келажакда булутли аутсорсинг хизматларидан самарали фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисоби бўйича амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга бухгалтерия хизматларини аутсорсингни ташкил этиш ва амалга оширишни тартибга солувчи қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

ва юритиш, молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини ошириш лозим;

➤ аутсорсинг бухгалтерия хизматлари сифатини ошириш, аутсорсинг шартлари бўйича мижозларни ҳисобга олиш фақат профессионал бухгалтер сертификатини олган бухгалтерлар томонидан амалга оширилишини белгилаш мақсадга мувофиқ;

➤ бухгалтерия хизматларини аутсорсинг қилиш билан боғлиқ фаолиятни мажбурий суғурталашни таъминлаш лозим;

➤ аутсорсингнинг аҳамияти ва уни янада ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби аутсорсинг хизматларининг юқори сифатини таъминлашга йўналтирилган аутсорсингчилар жамоат бирлашмасини яратиш, тақдим этишнинг умумий қоидаларини яратиш масаласини ишлаб чиқиш;

➤ аутсорсинг хизматлар, уларнинг профессионал ҳамжамият аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш. Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши потенциал мижозлар томонидан аутсорсинг корхона ва ташкилотларига бўлган ишончни оширишга ёрдам беради ва натижада Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хизматларини аутсорсингни ривожлантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гильмиярова М.Р. Проблемы и перспективы развития бухгалтерского аутсорсинга // Вестник ВГУ. Серия: Экономика и управление, 2017. - № 2. - С. 76-80.
2. Федорова Е.А., Ермолов А.В. Анализ современных тенденций в аутсорсинге бухгалтерского учета // Финансовая аналитика: проблемы и решения. - 2016. - № 27 - С. 4-14.
3. Корнейчик М., Лягуская Н. Развитие бухгалтерского аутсорсинга в Республике Беларусь [Электронный ресурс]. - Режим доступа : http://soDhus.at.ua/publ/2016_03_31_Iviv/sekcii_a_section_8_2016_03_31/razvitie_bukhaaiterskooa_automorsinaa_v_republike_bielarus/122-1-0-1848. - Дата доступа : 02.05.2018.
4. Васильев А.С., Миргородская Т.В. Проблемы и перспективы аутсорсинга бухгалтерского учета в России // Международный научно-исследовательский журнал, 2015. - Выпуск № 1. Часть 2. - С. 19-21.
5. Еськова Л.Ф., Дрозд А.М., Маневич А.В. Аутсорсинг в Республике Беларусь [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://eiib.bsu.by/bitstream/123456789/89793/1/droz_d_manевич_sbornik11Jom1.pdf. - Дата доступа: 12.03.2017.
6. Пардаев М.Қ. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.–Т.: «Иқтисод–молия». 2008. – 260 б.
7. Урозов Б.К. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2011. – 260 б.

<p>Н.Эргашева</p> <p>Экономическая сущность и значение аутсорсинговых услуг</p> <p>Аннотация. В данной статье раскрываются экономическая сущность и значение аутсорсинговых услуг, их дальнейшее развитие, а также пути развития соответствующей деятельности аутсорсинговых предприятий и организаций с использованием современных цифровых технологий, и продвижения их на рынок страны.</p> <p>Ключевые слова: аутсорсинг, услуги, цифровые технологии, учет и отчетность, рынок аутсорсинга, качество аутсорсинга, финансовая отчетность.</p>	<p>N.Ergasheva</p> <p>Economic nature and importance of outsourcing services</p> <p>Abstract. In this article, the economic nature and importance of outsourcing services, its further development, as well as ways to develop the relevant activities of outsourcing enterprises and organizations using modern digital technologies and promote them to the country's market are revealed.</p> <p>Keywords: outsourcing, services, digital technology, billing, outsourcing market, outsourcing quality, financial reporting.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023